Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 22 (9.214) 1999 йил 24 февраль, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


# ЙИЛИМИЗНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

***1998 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,4 фоиз, шу жумладан, саноат ишлаб чиқариш 5,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 4 фоизга ортди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 7,2 фоиз кўпайди.***

***Ўтган йили 3,5 миллион тонна ёки 1997 йилдагидан 15,4 фоиз кўп буғдой ҳосили олинди.***

***Бугунги кунда Ўзбекистон барча энергетика ресурслари билан ўзини-ўзи тўла таъминлашга эришди.***

Далиллар, рақамлар ўжар бўлади, дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Зеро, ташқи ва ички муҳолифларимиз мамлакатимиз нуфузини пасайтириб кўрсатишга қанчалик уринишмасин, ўз ғаразларини баландпарвоз ибораларга қанчалик буркаб кўрсатишга интилишмасин, юқоридаги рақамлар ҳеч қандай қўшимча тарғиботга муҳтож эмас!

Эсингизда бўлса, мамлакатимизда ижобий бурилиш 1996 йилдан сезила бошлаганди. Ана шу уч йиллик ижобий силжиш кўриб турганингиздек, ўтган йил якунида бор бўйи билан ўзини кўрсатди. Эндиликда Истиқлолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон танлаган ўзига хос ва юртимиз тарихий, маънавий, иқтисодий анъаналарига мос йўл қанчалик тўғри эканлигини тан олмаслик мумкинмикин?!

Йўқ, мумкин эмас! Ўзбекистоннинг собитқадамлик билан бирдек олға силжиётгани дунё кўз ўнгида ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам энг тараққий этган мамлакатлар, энг обрўли халқаро ташкилотлар юртимизга ишонч билан ҳамда ҳурмат билан қарамоқдалар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонга хорижий маблағлар оқими йил сайин кучайиб бормоқда. Фақат 1998 йилнинг ўзида мамлакатимизда 1,3 миллиард долларга яқин хорижий сармоялар ўзлаштирилибди. Бу йил эса ана шу кўрсаткич 2 миллиард долларга етиши кутиляпти...

Умуман, ҳаётимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларида эришилган ютуқларни узоқ санаш, шарҳлаш мумкин. Лекин улар кўлами шу қадар кенг ва теранки, ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида таҳлиллар, тадқиқотлар олиб бориш керак бўлади. Қолаверса, республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 февралдаги мажлисида қилган маърузаларида шундай таҳлилни кўрамиз.

Уларни такрорлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Фақат бир нарсага эътиборингизни жалб этишни истардик. У ҳам бўлса — мамлакатимизда амалга оширилаётган барча тадбирлар, энг аввало, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар халқимиз, ҳар бир фуқаро ҳаётини енгиллаштириш, фаровонлик йўлига олиб чиқиш мақсадида амалга ошириляпти.

Ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ўтган йили 200 миллиард сўмликдан ортиқ маблағ сарфланган. Бу йил эса шу мақсадларга 282 миллиард сўм сарфлаш кўзда тутиляпти. Бу умумий харажатларнинг 47 фоизига тенг экан. Шўролар даврида бундай рақамлар, фоизларни хаёлан ҳам орзу қилолмас эдик.

Фақат шугина эмас. Бу йил Президентимизнинг таъкидлашича, аҳоли даромади барқарорланиши керак. Энг муҳими Юртбошимиз таъкидлаганларидек, **«Одамлар ислоҳотларнинг амалдаги самарасини ҳис этиб, ўз манфаати, истиқболи учун қилинаётган ҳар бир саъй-ҳаракатни кўриб-сезиб турсин»**.

Яна шуни ҳам қайд этиш жоизки, аҳоли ижтимоий ҳимояси 1999 йилнинг биринчи ва энг устувор вазифаси деб эълон қилинди. Бундан кўзда тутилган мақсад — кейинги уч йил мобайнида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган ички маҳсулот ҳажми муттасил ўсиб бориши халқимиз турмуш даражасининг изчил яхшиланишига олиб келаётганини ҳисобга олиб, бу жараённи янада кучайтиришдан иборат.

Жамиятдаги аёлларнинг аҳолига, уларга бўлган муносабатга қараб, шу жамиятдаги инсонпарварлик даражасига баҳо берилади, дейишади. Шу жиҳатдан ҳам республикамиз хотин-қизларининг омади юришган дейиш мумкин. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз, шахсан республикамиз Президенти соғлом авлодни тарбиялаш вазифасини қўйиб, бунда биринчи навбатда аёлларга доимий ғамхўрлик масаласи долзарб қилиб қўйилди. 1997 — Инсон манфаатлари йили, 1998 — Оила йилида инсон тараққиётининг асоси сифатида аёлларга алоҳида эътибор бериб келинди. 1999 йил эса — бевосита Аёллар йили деб эълон қилинди. Шуниси муҳимки, эълон қилинаётган бу йиллар замирида энг қуйи меҳнат жамоасидан бошлаб энг юқори давлат даражасида аниқ дастурлар ишлаб чиқилади. Уларни амалга ошириш учун зарур моддий маблағ ажратилади, ташкилий-сиёсий тадбирлар ҳаётга тадбиқ этилади.

Бу йил ҳам республика миқёсида аёллар манфаатини таъминловчи дастур ишлаб чиқилиб, ҳукумат томонидан тасдиқланди. Мазкур дастурга кирган тадбирларни амалга ошириш учун тахминан 85 миллиард сўм маблағ ва харажатлар талаб қилинар экан. Бу — шубҳасиз жуда катта журъат, олижаноб инсонпарварлик масъулияти билан қабул қилинган қарордир. Яна бир мамнуният уйғотувчи жиҳат шундаки, давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида аёлларимизга ғамхўрлик фақат шу йилги катта миқёсли тадбирлар билан тугамаслигини таъкидладилар.

— Шуни англаб олиш керакки, — деб мурожаат қилдилар улар мажлис аҳлига, — дастурий тадбирларимиз бир кун ёки бир йил билан чегараланмайди. Муҳтарам оналаримиз, опа-сингилларимиз, аёлларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги мақоми ва мавқеини кўтариш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, манфаатини ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлатимизнинг, жамиятимизнинг устувор йўналиши ва бош мақсадига айланиши лозим.

Президентимизнинг топшириқларига биноан меҳнатнинг шароити оғир ва зарарли турларида банд бўлган, шунингдек, боласи 3 ёшгача бўлган ишлаётган оналарга қўшимча имтиёзлар бериш, аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишга доир ҳукумат қарорлари, қонунлар, бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши керак.

Мамлакат аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш, халқимизнинг соғлиғи, фаровон турмуш даражасини таъминлашга қаратилган ва қаратилаётган бошқа муҳим тадбирларнинг ҳам рўйхати узун. Муҳими — мамлакатимиз Истиқлолдан кейин ўзи танлаган порлоқ йўл — ҳуқуқий-демократик жамиятни барпо этиш йўлидан изчил кетмоқда. Бу жамиятнинг асосий мазмун-моҳияти инсонни улуғлаш, унинг муносиб ҳаётини таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш, жаҳон ҳамжамиятида узоқ тарих, бой маънавиятга эга бўлган ўзбек халқининг ўз ўрнини эгаллашига эришишдан иборат.

Халқимиз, шу жумладан пойтахт аҳли, кўп миллатли меҳнат кишилари буларни кўриб, чуқур ҳис этиб турибдилар. Айни пайтда ўзларига яратилаётган барча қулайликларни қадрлаш, Ватан саодати йўлида бор куч-имкониятлари ва иқтидорларини ишга солишга, жонажон Тошкентимиз ва республикамиз салоҳиятининг тинимсиз ошиб боришига муносиб ҳисса қўшишга бўлган жўшқин интилиш ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг қалбимиздан чуқур жой олган. Бу эса, эришилажак муваффақиятларимизнинг ишончли кафолатидир.

# ДИПЛОМАТИК КОРПУС ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ





***ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 февраль куни Дўрмон қароргоҳида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари ҳамда журналистлар билан учрашди.***

Давлатимиз раҳбари учрашувни очар экан, уни ташкил этишдан кўзланган мақсад иштирокчиларни 16 февраль куни Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари тафсилотларидан батафсилроқ огоҳ этишдан иборат эканини таъкидлади.

Ислом Каримов дипломатия корпуси вакилларига юзланиб, мусибатли кунларда дардимизга шерик бўлгани, биз билан бирдамликларини кўрсатгани ҳамда қўллаб-қувватлагани учун хорижий мамлакатлар ваколатхоналари раҳбарларига, улар орқали давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳамда ҳамдардлик билдирган бошқа жамоат арбобларига миннатдорлик билдирди.

— Тошкентда содир этилган воқеалар Ўзбекистон халқининг жипслигини, давлатимиз юритаётган сиёсатга ишончи мустаҳкам эканлигини кўрсатди, — деб таъкидлади Ислом Каримов. — Аҳолининг барча табақаларида бу воқеа жиноятчиларга нисбатан фақат ғазаб ва нафрат уйғотди. Шундай экан, Ўзбекистон барқарор давлат бўлиб қолаверади. Айни пайтда бошланган ислоҳотлар яна жадал давом этаверади.

Учрашувда Президентимиз журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

*(ЎзА).*

*СУРАТЛАРДА: Учрашув пайти.*

*Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.*

# МИННАТДОРЛИК

Шу йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрида рўй берган фожиали ҳодисалар муносабати билан менинг номимга кўплаб хорижий давлатларнинг бошлиқлари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, жамоат арбоблари, таниқли фан ва маданият намояндалари, чет эл фирма ва компаниялари вакиллари, минглаб ватандошларимиздан ҳамдардлик туйғулари изҳор этилган мактуб ва телеграммалар келмоқда.

Ўзбекистон бошига тушган мусибатни ўз дарди деб билган, шу оғир дамларда кўнглимизни сўраб, маънавий мадад берган узоқ-яқиндаги барча дўстларимизга халқимиз номидан, қабиҳ ният билан уюштирилган террорчилик хуружи натижасида қурбон бўлган бегуноҳ инсонларнинг ота-оналари, оила аъзолари, ёру биродарлари номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Марҳумлар хотираси олдида, уларнинг қариндош-уруғлари олдида яна бир бор бош эгиб, бу машъум фожиадан бениҳоя қайғу ва азият чекаётганимни изҳор этаман.

Содир бўлган мудҳиш воқеаларга ўз муносабатини ифодалаб, минг-минглаб хат ва телеграммалар, матбуот орқали чиқишларида ёвуз кучларнинг кирдикорларини кескин қоралаган, барчамизни хушёр ва сергак бўлишга, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асрашга, ҳимоя қилишга, бепарволик, лоқайдлик кайфиятларига йўл қўймасликка, дўсту душманни таниб олишга даъват этиб фикр билдираётган юртдошларимизга, бутун халқимизга яна бир бор таъзим қиламан.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*
*Ислом КАРИМОВ.*

***Тошкентда юз берган фожиали ҳодисалар муносабати билан «Оқшом» таҳририятига хатлар, шошилинчномалар келиб турибди. Унда Йўлбошчимизга Яратгандан узоқ умр, юртимизга тинчлик, осойишталик тиланади. Қуйида шундай изҳор этилган дил сўзларини диққатингизга ҳавола қилмоқдамиз.***

# ХАЛҚНИ ТЎХТАТАДИГАН КУЧ ЙЎҚ!

**Ассалому алайкум, ҳурматли ва азиз Ислом АБДУҒАНИЕВИЧ!**

Бу хатим билан Сизнинг қимматли вақтингизни олганим учун аввало узр сўрайман. Лекин бу хатни ёзмасликка ҳам ўзимни кўндира олмадим, чунки бўлиб ўтган мудҳиш ҳодисалар менимча ўз Ватанини севган, шу Ватан билан ғурурланган ҳар бир инсонни асло бефарқ қолдирмаган бўлса керак.

Ҳур фаровон ҳаётимизни кўра олмаган, ўз фарзандлари, ота-оналари, ака-укалари, опа-сингилларининг осуда, тинч ҳаётларини бузиш, таҳқирлаш сингари шундай мудҳиш ишларга қўл урган имонсиз-виждонсиз одамларга нафратимизнинг чеки йўқ.

Ўзининг ҳақ йўлини топиб, танлаб, ўз Қомусида аниқ қилиб белгилаб олган бу йўлдан ўз порлоқ келажаги сари дадил кетаётган халқни тўхтатадиган, ортга бурадиган куч йўқ. Буни қора кучлар билиб қўйсин.

Хуллас, бу мактубим орқали мен яна бир бор муҳтарам Юртбошимизга келажаги буюк, порлоқ давлат қуриш йўлида қилаётган саъй-ҳаракатларига ривож, мустаҳкам ирода, соғлиқ тилайман.

Яна ўз дил кечирмаларимни, ҳаяжонимни қуйидаги мисраларда акс эттиришга ҳаракат қилдим ва Сиз, азиз инсонлар ҳукмига ҳавола этмоқчиман.

**Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Боткин кўчаси, 4-уй, 51-хонадонда яшовчи II гуруҳ ногирони**

*Қудрат ҒАФФОРХЎЖАЕВ.*

# УВОЛИ ТУТАЖАК ШАҲИД ЖОНЛАРНИНГ

***Бундайин ваҳшийлик садқаи инсон,***
***Қайлардан жо бўлмиш сенинг танангга.***
***Бундайин бединлик садқаи инсон,***
***Лаънатлар ёғдирмиш туққан онангга.***
***Не ўйлар бошингни карахт айлади,***
***Қай иблис жаллод деб сени сайлади.***
***Бу қандай разиллик, бедодлик бўлди,***
***Қўлингдан бегуноҳ, ўз халқинг ўлди.***
***Уволи тутажак шаҳид жонларнинг,***
***Уволи тутажак оққан қонларнинг,***
***Уволи тутажак етим гўдакнинг,***
***Уволи тутажак тул келинчакнинг,***
***Уволи тутажак куйган онанинг,***
***Уволи тутажак ҳур замонанинг.***
***Ўйлама, сен халқни қўрқитолдим деб,***
***Ўйлама, ҳақ йўлдан чалғитолдим деб.***
***Ва тикма кўзингни Юртим Бошига,***
***Учрайсан халқимнинг ғазаб тошига.***
***Сен тузган ўйлару режалар бекор,***
***Бу мудҳиш кун энди келмагай такрор.***
***Сўзларим мағзига бергин эътибор,***
***Ҳурликка ўқ узган бўлажак хор-зор.***

1999 йил 16 февраль.

# ЗАҲАРЛИ ХАНЖАР

Биз кексалар бир қанча ғоятда оғир кунларни бошдан кечирдик; 37-йилда машъум тузум юрт зиёлиларини, адибу уламоларни — халқнинг севикли фарзандларини йўқотди. Ўшанда каминанинг тоғаси отилиб, оиламиз бағрига ханжар қадалган эди. Ёвуз қора кучлар 16 февралда обод мамлакатимиз раҳбари, суюкли Юртбошимиз жонига қасд қилди. Оллоҳ уни ўз паноҳида асради. Лекин кўпгина ватандошларимиз шу машъум куни ҳалок бўлдилар. Жойлари жаннатда бўлсин. Юртбошимизга қилинган суиқасд — халқимизга қилинган суиқасддир. Ниқобли, номард ёвузлар илдизигача суғуриб ташланмагунча қўймаймиз! Халқимизга матонату ирода тилаймиз, саросимага тушмайдиган азамат халқ бу ифлос шахслар, шайтоний кимсаларнинг жазосини бермагунча қўймаймиз!

Озодлигимизга кўз олайтириб, қўрқитмоқчи бўлган ҳаромилар халқ қаҳрига учрайди!

*МИРМУҲСИН,*
*Ўзбекистон халқ ёзувчиси.*

# ОГОҲ ВА ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК!

***16 февраль куни Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари туфайли мустақил юртимиз бошига тушган мусибат ҳар бир ватандошимиз қалбини ларзага солди. Жойларда бўлиб ўтаётган йиғилишлар ва митингларда ҳамюртларимиз ана шу террорчилик ҳаракатини содир этган ёвузларга, қилган хоинликларига лаънатлар айтмоқдалар, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз кераклигини алоҳида таъкидламоқдалар.***

**КЕЧА**

***пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур номи билан аталувчи маҳаллада бўлиб ўтган митингда ҳам ҳаддидан ошган, инсонлик қиёфасини йўқотган ножинс телбаларга нисбатан қаҳр-ғазаб ва нафрат билдирилди.***

Митингни очар экан маҳалла оқсоқоли, истеъфодаги генерал Абдулла Ортиқбоев шундай деди:

— Тошкентда содир этилган бу қўпорувчилик ҳаракати доно ва муҳтарам Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг ҳаётига суиқасддир. Яратганга минг қатла шукрлар бўлсинки, Президентимизнинг азиз бошлари омон қолди. Ушбу қўпорувчилик ҳаракатларидан ҳар бир соф виждонли кишилар сабоқ ва хулоса чиқаришлари керак. Бу ҳодисадан халқимиз ваҳимага ва талвасага тушмади, балки ўз Йўлбошчиси атрофига янада жипслашди. Биз бу ҳодисалардан етарли сабоқ чиқаришимиз, огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз керак, бир-биримизни, қўшниларни яқиндан яхши билишимиз даркор. Ёшлар ўртасида таълим-тарбия ишларини кучайтиришимиз лозим. Бу нарсаларга Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, айнан маҳаллаларда катта эътибор қаратилиши лозим.

Митингда сўзга чиққан маҳалла фуқароларидан Нуриддин Муҳиддинов, Неъматулла Ҳикматуллаев, Бахриддин Маннонов, Тўлқин Иброҳимов ва бошқалар Президентимизга, мустақиллигимизга нисбатан содир этилган бу суиқасдни қаҳр-ғазаб билан қоралаб, террорчилар ўз қилмишларига яраша адолатли жазо оладилар, деб таъкидлашди.

Митингда сўзга чиққанлар Тошкентда юз берган мудҳиш ҳодисалар халқимизнинг кўзини очганлигини, ҳушёрлигини кучайтирганлигини таъкидладилар, халқимиз ўзларининг доно ва севикли Йўлбошчилари атрофига янада мустаҳкам жипслашадилар, Юртбошимизнинг ҳаётларини кўз қорачиғидек авайлаб асрайдилар, деб уқтирдилар.

Митинг иштирокчилари қабул қилган мурожаатномада қўлга киритган мустақиллигимиз улкан масъулият эканлиги, олдимизда турган энг муқаддас вазифа ана шу буюк неъматни қўлдан асло бермаслик алоҳида таъкидланди.

*Хондамир СОЛИҲОВ.*

# ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

***Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов номига 16 февралда Тошкент шаҳрида рўй берган қонли воқеалар муносабати билан телеграммалар келиши давом этмоқда. Тошкент шаҳри билан биродарлашган Берлин шаҳри мэри йўллаган телеграммада одамларнинг ҳалок бўлиши муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этилади.***

**Ҳурматли ҳамкасбим!**

Берлин шаҳрининг барча аҳолиси Тошкент шаҳри марказида диний экстремистлар томонидан уюштирилган портлашлар тўғрисидаги хабарлардан даҳшатга тушдилар. Фанатикларнинг кичик гуруҳи сизларнинг фуқароларингиз бошига шунчалар катта мусибатлар етказди. Ана шундай оғир кезларда биринчи навбатда ҳалок бўлганларнинг яқинларига бизнинг чуқур ҳамдардлигимизни етказсангиз. Биз шунингдек, портлашдан жароҳатланганларнинг тезда соғайиб кетишларига умид қиламиз.

Шаҳрингизнинг аҳолисига бизнинг самимий ҳамдардлигимизни етказсангиз.

**Чуқур изтироб ила, Берлин шаҳри мэри Эберхард Дипген.**

## Газетанинг шу сонига

# ШИКАСТЛАНГАН БИНОЛАР ТАЪМИРЛАНМОҚДА

***Шаҳримизда 16 февралда ёвуз ниятли кимсалар томонидан содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари натижасида кўплаб бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмди, юздан ортиқ кишилар жароҳатланди, пойтахт архитектурасига катта зарар етказилди. Барча ҳамшаҳарларимиз ушбу террорчилик ҳаракатини қаттиқ қораламоқдалар, Юртбошимиз атрофига янада кучлироқ жипслашишларини таъкидламоқдалар.***

Шукрки, қабиҳ экстремистларнинг ниятларига қарши ўлароқ шаҳар аҳолиси саросимага тушмади, тинч, осойишта бунёдкорлик ҳаёти давом этмоқда, барча корхона, ташкилот, муассасалар фаолият кўрсатмоқда. Кучли портлашлар натижасида шикастланган бинолар жадаллик билан таъмирланмоқда. Биз айрим объектларга борганимизда бунинг бевосита гувоҳи бўлдик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносида таъмирлаш ишлари айниқса, жадал давом этмоқда. Қурувчиларнинг бир лаҳза бўлса-да қўли қўлига тегмайди. Бу ерда «Ўзнефтгазқурилиш» акциядорлик компанияси, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли 12-акциядорлик жамияти, 1-пардозлаш-қурилиш трести, «Ўзмахсусмонтажқурилиш» ассоциацияси ва яна бошқа кўплаб ташкилотлар қурувчилари сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

Бинонинг кам шикастланган 1, 2, 3 блокларида ойна қўйиш, кичик таъмирлаш-пардозлаш, сантехника-вентиляция тизимларини тузатиш ишлари олиб борилмоқда, — деди биз билан суҳбатда 12-трест бошқарувчиси Ботир Зокиров. — Тез кунда бу блокларда ходимларнинг бир меъёрда ишлашлари учун тегишли шароитлар яратиб берилади.

Ҳозирда жиддий шикаст етказилган 4-блокда асосий лойиҳалар кўриб чиқилиб, тўла таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Дарҳақиқат, Республика Вазирлар Маҳкамасининг кўпгина хоналарида масъул ходимларнинг фаолият бошлашлари учун шароит яратилгани таъмирлаш ишларининг нақадар тезкор, пухта ва режали асосда ташкил этилаётганидан далолат беради.

Амир Темур кўчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг кўкка бўй чўзган марказий офисига ҳам террорчилик ҳаракатлари натижасида жиддий шикаст етказилган эди. Бу ерда ҳам таъмирлаш-тиклаш ишлари қизғин давом этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Миллий банкига қарашли хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш бошқармаси ишчи-хизматчилари кенг кўламдаги ишларни давом эттиришмоқда. Етказилган зарар миқдори ва уни тиклашга қанча қурилиш материаллари керак бўлиши ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида ичкарида «Айсел» қурилиш фирмаси таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Ташқаридаги таъмирлаш юмушлари ҳам қизғин.

Шаҳримиздаги қўпорувчилик ҳаракатлари натижасида зарар етган бошқа иншоотларда ҳам юқоридаги каби таъмирлаш ишлари кенг кўламда давом этмоқда.

*Дилмурод ИСМОИЛОВ.*

# ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

***Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар***

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Тошкент шаҳрида 16 февраль куни рўй берган фожиали воқеалар муносабати билан жаҳоннинг турли мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарларидан, таниқли жамоат ва сиёсат арбобларидан, оддий кишилардан чуқур ҳамдардлик изҳор этилган таъзияномалар келиши давом этмоқда.

● Молия вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисида Ўзбекистон молия идораларининг ўтган йилдаги фаолияти якунлари ва Президентимизнинг 16 февраль куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

● Тошкент шаҳрида 16 февралда юз берган фожиали воқеалар муносабати билан Ички ишлар вазирлигининг транспорт милицияси бошқармаси ходимлари қўпорувчилик ҳаракатларидан зарар кўрганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида очилган ҳисоб рақамига ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини ўтказишга қарор қилдилар.

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги[illegible] республика савдо-кўргазмалар маркази — «Ўзэкспомарказ» Маркетинг ва сифат халқаро ассоциациясининг олий мукофоти — «1999 йилги халқаро олтин ва кумуш сифат соврини» билан тақдирланди.

● **Кеча** Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун «Ўзбекистон — Япония: маданий ҳамкорлик истиқболлари» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

● **Эртага** Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг шаҳар ўқувчилар техник ижодиёти маркази Сергели тумани техник ижодиёти қўшимча таълим мажмуида иқтидорли болаларнинг еттинчи слёти ўтказилади.

## ЖАҲОНДА

● Деҳлида Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Мираброр Усмонов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси қатнашди.

● Россия Федерацияси Бош вазири Е. Примаков ва Москвага ташриф билан келган АҚШ Давлат котибининг биринчи ўринбосари С. Тэлботт стратегик барқарорлик ва икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилдилар.

● **Бугун** Қозоғистонда собиқ иттифоқ парчалангандан кейин умумий аҳоли рўйхати бошланади. Шунингдек, Белоруссияда ҳам аҳоли рўйхати бошланмоқда.

● **Кеча** Рамбуйэда икки ҳафта мобайнида Серб делегацияси билан косоволик албанлар вакиллари ўртасида олиб борилган музокаралар якунида Косоводаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича сиёсий битим имзоланди.

● **Бугун** Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси Чжу Жунцзининг Москвага расмий ташрифи бошланади.

● Ўтган йили Россия билан Эрон ўртасидаги товар айланмаси 546 миллион долларни ташкил этди.

● Грузия МДҲнинг коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномасида иштирок этишдан бош тортди.

● Венгрия маъмурлари 26 нафар неонацистларни мамлакатдан чиқариб юборди. Уларнинг асосий қисмини германиялик ёшлар ташкил этади.

● Гватемала полицияси ходимлари нархи «қора бозорда» 18 миллион АҚШ долларига тенг бўлган гиёвандлик моддани қўлга киритди.

● Молдова парламенти шу йилнинг май ойида ҳокимиятнинг маҳаллий органларига сайловлар ўтказишга қарор қилди. Сайловлар чоғида мамлакатнинг янги ҳудудий-маъмурий тизими жорий этиладиган бўлди. 40 та туман ўрнига 9 та уезд ва икки мухторият — Гагаузия ва Днестрбўйи ташкил этилади.

● Люксембургда ўтказилган Европа Иттифоқи мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари кенгашининг қатнашчилари Курд ишчи партияси етакчиси Абдулла Ўжолан устидан ўтказиладиган суднинг маданиятли тарзда уюштирилиши, жумладан суд жараёнига халқаро кузатувчиларнинг киритилиши, шунингдек, Абдулла Ўжоланга ўлим жазоси ҳукми чиқарилмаслиги юзасидан мулоҳазалар билдирдилар.

● Литва Президенти В. Адамкус уч кунлик расмий ташриф билан Италияда бўлди. Ташриф пайтида ушбу мамлакат раҳбарияти билан икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг истиқболлари хусусида учрашувлар бўлиб ўтди.

● Венада 2000 йилга мўлжалланган давлатлар парламентлари раҳбарларининг жаҳон анжуманига тайёргарлик юзасидан конференция бўлиб ўтмоқда.

● Болгариянинг Пловдив шаҳрида бокс бўйича анъанавий халқаро турнир ниҳоясига етди. Унда дунёнинг 15 мамлакатидан 100 нафарга яқин боксчи иштирок этди. Ушбу турнирда ўзбекистонлик боксчи, XIII Осиё ўйинлари чемпиони Руслан Чагаев уч карра олимпиада чемпиони, ўн карра жаҳон чемпиони кубалик Феликс Саван билан учрашиб, ғалабага эришди. Яна икки ўзбекистонлик боксчи — Муҳаммадқодир Абдуллаев ушбу турнирда кумуш медаль, Сергей Михайлов бронза медаль соҳиблари бўлишди.

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддаси:***
***«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади».***

Конституциямизнинг ушбу моддасида фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқининг кафолатланиши халқаро ҳуқуқ мезонларига ҳам тўла жавоб беради. Инчунун, «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси»нинг 21-моддасида ҳамда «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт»нинг 25-моддасида ҳар бир инсоннинг ўз мамлакатида давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, давлат хизматига кириш ҳуқуқи, сайловларда эркин овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқи каби ҳуқуқлари таъмин этилиши лозимлиги кўрсатилган. Шу боис ҳам Конституциямизнинг ушбу моддасида Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига таъмин этилган жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи шубҳа йўқки, давлатимизнинг демократик моҳиятидан келиб чиқади. Ушбу модда Асосий Қонунимизнинг II бобида мустаҳкамланган халқ ҳокимиятчилиги тамойилига асосланади, мазкур тамойилни узвий ва тадрижий ривожлантиради. Модомики, II бобнинг 7-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» деб белгиланган экан, 32-модда эса халқ томонидан жамият ва давлат ишларини бошқариш қай тарзда амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатиб беради.

***Конституция яшамоқда ва амал қилмоқда***




# БОШҚАРУВДА ҚАТНАШИШ — ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚИ

Келинг, шулар ҳақида қисқача тўхтаб ўтайлик!

Конституциянинг ушбу моддасига мувофиқ Ўзбекистон фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишлари мумкин. Агар фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда ҳеч қандай вакилларсиз, бевосита иштирок этсалар, бунга бевосита демократия дейилади. Ёки, аксинча, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўзлари томонидан сайланган вакиллари орқали иштирок этсалар, бунга вакиллик демократияси дейилади.

Бевосита демократия йўли билан фуқаролар вакиллик органларини ташкил этадилар ва шу тариқа вакиллик демократияси вужудга келади. Ўзбекистонда вакиллик органларига хусусан қуйидагилар киради: қонун чиқарувчи олий орган — Олий Мажлис, ижроия ҳокимият ва давлат бошлиғи — Президент, маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқи хилма-хил шаклларда амалга оширилади: фуқаролар халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, Олий Мажлисга, Президентлик лавозимига ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланишлари мумкин; улар ҳам умумдавлат, ҳам маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қонунларнинг лойиҳаларини бевосита муҳокама қилиш ва ишлаб чиқишда иштирок этадилар. Шуниси характерлики, мустақил Ўзбекистоннинг янги ҳуқуқий тизимини яратишда, янги давлат ва жамоат органларини шакллантиришда ва муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган қонунларни қабул қилишда Ўзбекистон фуқаролари жуда фаол қатнашмоқдалар. Жуда кўп қонунларнинг лойиҳалари бевосита фуқаролар томонидан тушган кўпдан-кўп таклифлар, тузатишлар, қўшимчалар ва ўзгартишлар асосида қабул қилинмоқда. Масалан, мустақил Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси давлат ишларини муҳокама қилиш ва ҳал этишда фуқаролар иштирокини кўрсатувчи яққол далилдир. Қарийб 2,5 ой мобайнида умумхалқ муҳокамаси натижасида Конституция лойиҳасига 80 га яқин муҳим ўзгартиш, қўшимча ва аниқликлар киритилди.

Конституцияга биноан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши уларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирокининг асосий шаклларидан биридир. Бу ҳақда шунингдек, 1999 йил 14 январда умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасида ҳам айтилишича, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишининг тарихий хусусиятларидан, шунингдек маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

Конституцияга мувофиқ, фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришдаги бевосита иштирокининг асосий шаклларидан яна бири — бу давлат ва жамият ҳаётига тегишли муҳим масалаларни умумхалқ муҳокамасига ва умумий овозга (референдумга) қўйиш ҳисобланади. Конституциянинг 9-моддасида умумий тамойил сифатида ўрнатилганидек, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби батафсил, атрофлича 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдум тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

Конституциянинг 32-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг муҳим кўринишларидан яна бири — бу давлат органларининг демократик тарзда ташкил этилишидир. Конституцияга биноан фуқаролар вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро сайлаш — овоз бериш ҳуқуқига эга. 25 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари олий давлат вакиллик органи — Олий Мажлисга депутатликка, 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган республика фуқаролари Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланиши мумкин. Шунингдек, фуқаролар ҳокимиятнинг маҳаллий органлари — вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги халқ депутатлари Кенгашларига депутатликка сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Сайловлар қоида бўйича умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Юқорида айтилганлардан ташқари, фуқароларнинг бу ҳуқуқи бошқа шаклларда, масалан, фуқароларни давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ишларига жалб этиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Фуқаролар касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу эса фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг амалий шаклидир.

Юқоридаги шаклларнинг барчаси халқ ташаббусидан кенгроқ фойдаланишга, давлат аппарати ишида омма манфаатларини максимал даражада ҳисобга олишга, мумкин қадар кенгроқ аҳоли табақаларини давлат ва ижтимоий фаолиятга жалб этишга қаратилган.

*Ҳайдарали МУХАМЕДОВ,*
*Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси.*

---

***Шуни унутмаслик керакки, бўлғуси сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилади. Кураш қизғин бўлади.***
***Ислом КАРИМОВ.***

# СИЁСИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР ЙЎЛИДАН

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!

Мазкур шиорга тез-тез кўзимиз тушиб туради. Лекин бу шўролар даврида биз кўникиб кетган қизил шиор эмас. Унинг замиридаги аниқ мазмун, мақсад халқимизга аён. Иқтисоди тараққий этган, маънавияти юксак ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш ана шу буюк давлатнинг асоси бўлади. Мустақиллигимизнинг ўтган йиллари шу йўлдан собит қадамлар билан бораётганимизни исботлаб турибди. Жамиятдаги ҳур фикрлилик, шу фикрларни эркин баён этиш ва уларнинг хилма-хиллиги, мамлакат аҳолиси турли қатламлари манфаатларининг ифодаси бўлган мана шу хилма-хилликни ҳимоя қилувчи сиёсий кучларнинг реал мавжудлиги бунинг ёрқин далилидир. Бу кучлар сиёсий партиялар ва ҳаракатлар тимсолида жамиятимиз ҳаётида тобора муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизга нохолис, ғараз кўзи билан қаровчилар нималар деб алжирашидан қатъи назар, жамиятимизда бир қанча сиёсий партиялар ҳақиқатда фаолият кўрсатаётгани кўриниб турибди. Улар, айниқса, Олий Мажлиснинг қонун яратувчилик фаолиятида ўзларини намоён қилишга уринишларини сессиялар олдидан ва парламент мажлислари давом этаётган кунларда оммавий ахборот воситалари саҳифаларида кўришга одатланиб қолдик. Лекин бу билан мазкур партиялар фақат сессиялар кунларида фаоллик кўрсатишар экан-да, демоқчи эмасмиз.

Халқ демократик партияси, «Адолат», «Ватан тараққиёти», «Миллий тикланиш» партияларининг парламент фракциялари қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи фаолиятида мунтазам ва амалий иштирок этишлари кўпчиликка маълум. Улар тайёрлашаётган қонун лойиҳаларини чуқур танқидий таҳлил этиш, жиддий тузатишларни таклиф қилиш билан бирга, олимлар, мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда у ёки бу қонун бўйича ўз лойиҳаларини Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталарига тақдим этадилар. Ана шу қўмиталар мажлисларида юқоридаги партиялар вакиллари ўз таклиф-мулоҳазаларини қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар. Баъзан лойиҳанинг у ёки бу муҳим банди ёҳуд бўлимлари атрофида қизғин мунозаралар авж олиб кетган ҳоллар ҳам оз эмас. Бу мунозаралар кўпинча сессия олдидаги қўмиталарнинг якунловчи йиғилишларига, Олий Мажлис сессияси минбаригача чиқиши мумкин.

Фақат бу мунозаралар, партиялар томонидан у ёки бу қонун лойиҳаси юзасидан ўтказиладиган ўзига хос юксак малакали экспертизалар сиёсий вазминлик, ишчанлик вазиятида, конструктив руҳда ўтади. Бироқ, Россиядагидек ёқа бўғишлару, бир-бирларини аямай ҳақорат қилишларга етиб бормаса-да, бизда ҳам ўз нуқтаи-назарини ҳимоя қилишда «қизишишлар» ҳам бўлиб туради. Қонун лойиҳалари устида узлуксиз иш олиб борилиши, Олий Мажлис қўмиталари ҳамда партия фракциялари жалб қилган юксак малака ва тажрибага эга бўлган олимлару мутахассислар, амалиётчилар фикрлари тўқнашувида энг мақбул вариантларнинг ниҳоят топилиши катта аудитория — Олий Мажлис сессиялари мажлисларида кутилмаган кескин вазиятларнинг олдини олса керак.

Шунинг учун ҳам баъзиларга парламентимиз мажлислари «силлиқ» ўтаётгандай туюлиши табиий. Мухолифларимиз томонидан шу руҳдаги дашномларни ҳам баъзан эшитишга тўғри келади. Бунда оммавий ахборот воситалари, айниқса, сиёсий партияларнинг ўз матбуот органларининг ҳам айби бор. Негадир, улар партиялар, Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталарининг, улар атрофига жипслашган ёки улар томонидан жалб этилган мутахассисларнинг ғоят мураккаб иш жараёнларини ёритишга эътибор беришмайди. Қарс икки қўлдан деганларидек, бунда иккала томондан сусткашликни кўриш мумкин.

Демоқчимизки, сиёсий партиялар реал бор, улар фаолият кўрсатишяпти, аста-секин ҳам сиёсий, ҳам ташкилий жиҳатдан ўсиб, зарур тажриба ва малакага эга бўлиб боришяпти. Уларнинг тажрибаси республикамизда пайдо бўлаётган янги-янги сиёсий кучларга ўзига хос тажриба мактаби бўлиши шубҳасиз. Узоққа бормай, эндигина ташкил топиб фаолиятини бошлаган Фидокор миллий демократик партиясини олайлик. Унинг Дастури, Низомида мақсад ва вазифалар бошқаларникидан анча пишиқ, аниқ, лўнда ифодалангандай. Масалан, у ўзини Парламент партияси деб эълон қилади ва шу асосда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида, мамлакат қонун чиқарувчи олий ҳокимияти органи ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловларда қатнашиши, ўз номзодларини кўрсатиб, уларнинг сайланиши учун қонун доирасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориши аниқ баён этилган. Партия ташкилотларининг меҳнат жамоалари, маҳаллалар, турар жойларда олиб борадиган ташкилий-тарғибот ишлари ҳам очиқ-ойдин ошкор қилинади ва ҳоказо.

Албатта, биз айтган кўппартиявийлик шароитининг юзага келиши республика ҳукумати, шахсан Президент Ислом Каримовнинг демократик жараёнларни изчил давом эттираётганлари натижасидир. Олий Мажлис сессияларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, кейинчалик эса, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши сиёсий партиялар фаолияти учун ҳуқуқий замин, кенг кафолатлар яратилишига олиб келди.

Лекин сиёсий партияларнинг жаҳон миқёсидаги тажрибаларидан келиб чиқадиган бўлсак, уларнинг юзлаб йиллик тажрибалари олдида бизнинг партияларимизни энди атакчечак қилаётган гўдакка ўхшатиш мумкин. Албатта, тажриба сиёсий курашларда, парвоз-у муваффақиятсизликлар, ҳаёт синовларида вужудга келади. Шунинг учун ҳам уларнинг шаклланиш, қарор топиш жараёни бир мунча чўзилаётгани, сиёсий ва иқтисодий дастурлари анча бўшлиги кўзга ташланади. Партияларнинг ўзлари таянадиган аҳоли табақалари, қатламлари ўртасидаги фаолиятларида жўшқинлик, изчиллик сезилмайди. Бу борада ҳам тажрибасизлик, қандайдир тортинчоқлик, журъатсизликни кўриш мумкин.

Мамлакатда чинакам демократик тамойилларни шакллантиришга доимий ғамхўрлик қилар экан, Президентимиз унинг олий шакли — сиёсий мухолифатнинг юзага келиши ва унинг зарурлигини кўп марта такрорлаган. Юртбошимиз, юридик-мақом ва конституциявий кафолатга эга бўлган, ўз хатти-ҳаракатларида давлат ва жамиятнинг барқарорлиги учун жавобгар ва ташкилий шаклланган мухолифатнинг бўлиши — жамиятнинг нормал ҳолати, деб ҳисоблайди.

— Биз, — деган эдилар юртбошимиз республика Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган нутқларида, — расмий ҳокимият билан ғоявий ва амалий жиҳатдан рақобатлаша оладиган, амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачиси тариқасида майдонга чиқа оладиган мухолифатни кўришни истаймиз».

Хорижий ва мамлакат журналистлари билан, дипломатик корпуслар раҳбарлари билан учрашувларда, Олий Мажлис сессияларидаги нутқларида, жамиятни демократик йўлдан ривожлантириш тамойиллари ҳақидаги назарий ва амалий мақолалар, китобларида сиёсий партиялар ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги Президентимиз билдирган фикр-мулоҳазалар бугунги кун шароитларини ҳисобга олган ҳолда «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавобларда ўз ривожини топган. Бу ҳолат сиёсий партиялар уларнинг тарафдорлари томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Бўлажак сайловларнинг кўппартиявийлик асосида, қизғин курашлар остида ўтишини таъкидлаб, мухбирга жавобларида, жумладан Президент шундай дейди: **«Ҳар қандай партия агар ўзини сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор аниқ ғояга эга бўлиш билан бирга нимагадир ёки кимгадир мухолиф бўлиши зарур. Мана шундай ҳолат ва мана шундай ёндошиш партиянинг тарафдори ва унга ишонган, инонган одамлар ҳамда жамоага аниқ-равшан маълум бўлиши даркор».**

Бу ерда босиб ўтилган йўл ва эришилган натижаларга танқидий кўз билан қараш, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни холис баҳолаш, вазиятдан келиб чиққан ҳолда пухта ўйланган фикр-мулоҳаза ва хулосалар билдириш юзасидан берилган тавсиялар диққатга сазовор. Айниқса, Президентнинг партияларни халқ орасига боришига қилган даъвати, **«жамиятимизнинг турли қатламлари орасида истиқлолни мустаҳкамлаш, уни бало-қазолардан, ёвуз назарлардан, ёмон кўзлардан сақлаш учун кечаю кундуз тиним билмай ишлашига чақириши барча партиялар жамоаларининг қизғин хайрихоҳлигига сабаб бўлиши аниқ.**

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимиз сиёсий партиялари бўлажак сайловларга мустаҳкам назарий-ҳуқуқий пойдеворга эга бўлган ҳолда пухта тайёргарлик билан борадилар. Конституция ва қонунларимиз, шунингдек, халқаро демократик қонун-қоидалар асосида ўтадиган бу сайловлар сиёсий партияларимиз учун янги синов, ҳаёт мактаби вазифасини ўтайди. Жамиятимиз эса, демократик ва ҳуқуқий давлат сари янги, муҳим қадамни қўяди.

---



Пойтахтимиздаги «Азиза Сайфи қизи» хусусий корхонасида қўли гул чеварлар меҳнат қилишади. Улар тикаётган бежирим кийимлар мижозларга маъқул келмоқда.
СУРАТДА: тикувчи Фотима Жамолова.
Рашид Галиев олган сурат.

---

**Куюнчаклик билан ёзилган**

# ДИЛОЗОР

***«Ҳурматли таҳририят! Мен Юнусобод туманидаги 18-мавзеда жойлашган 20-уйда яшайман. Ёшим 27 да. Шу вақтгача газета ва журналларга ёзмаганман. Лекин бу сафар ёзишга аҳд қилдим. Чунки яқинда ҳаётимда рўй берган бир воқеа менга сира тинчлик бермай қўйди. Юрсам ҳам, турсам ҳам хўрлигим келиб тўлқинланаман...***

Нима қилай, ҳаётда ҳамма инсонлар ҳам мукаммал яратилавермас экан. Мен ҳам шундайларданман. Онадан иккала оёғим шол туғилганман. Қўлтиқтаёқда аранг юраман. Ота-онам қанчадан-қанча шифокорларга мурожаат қилишди. Лекин ҳеч ким дардимга даво топа олмади.

Яқинда Юнусобод йўналиши бўйлаб, қатновчи автобуслардан бирига ўтирдим. Тушадиган бекатимга етиб келгач, ҳайдовчидан машинани тўхтатиб юборишини илтимос қилдим. У бекатда «Одам кўп экан» деб тўхтамади. Мен оёғим ногиронлигини айтгандим, ҳайдовчи кулги аралаш ўшқирди:

— Ундай бўлса кўчада нима қиласиз? Тинчгина уйда ўтирсангиз бўлмайдими? Тавба, одамларга ҳам ҳайронсан. Оёғи чўлоқ, кўзи кўр бўлсада, худди соппа-соғ кишидек кўчага югургани-югурган...

Ҳайдовчининг бу гапидан кўпчилик олдида мулзам бўлиб кетдим. Кимдир менинг ёнимни олди, кимдир устимдан кулди. Томоғимга аччиқ нарса тиқилиб гапиролмай қолдим. Ўкинчимдан йиғлаб юбордим. Кейин нима бўлганини, уйга қандай етиб келганимни билмайман.

Ойижоним аҳволимни кўриб қўрқиб кетдилар. Бир нохушликни сезгандек мен томон югуриб келдиларда, индамай бағриларига босдилар. Онажонимнинг иссиқ қалби озор топган дилимга таскин бергандек бўлсада, бари бир анчагача ўзимга келмадим.

Ўша ҳайдовчининг ҳам бола-чақаси бордир. Наҳот яхши ният билан оила тебратиб, фарзанд ўстираётган одам ўзгалар ожизлигидан кулиб, жамоатчилик олдида уни масхараласа. Наҳотки бу беадабгарчилиги бир бечоранинг кўксига ўқ каби қадалаётганини ўша дилозорнинг ўзи сезмаса?».

Очиғи мактубни ўқиб туриб ғалати бўлиб кетдим. Кўз олдимда ўша соддадил беозор қиз, кейин унга ўшқираётган ҳайдовчининг беўхшов қиёфаси гавдаланди. Бирига раҳминг келади, бирига эса қаҳринг.

Шу топда биз хат муаллифи Фароғатхонга ҳар қанча таскин сўзлар айтмайлик, унинг озор топган кўнглига малҳам бўлолмаймиз. Шунинг учун унга ўхшаш бўлган мана бу воқеани келтиришни лозим топдик.

Яқинда тиқилинч автобусда кетаётган эдик. Бекатдан салонга болали хотин чиқди. Олдинги ўриндиқда ўтирган хушбичим жувон ижирғаниб ўрнидан турди. Аёл «раҳмат» дея бўшаган жойга ўтирди. Жувон жавоб ўрнига қовоғини уйди ва кейинги ўриндиқда қари кампир билан ўтирган йигитчага ёпиша кетди:

— Ҳой, оповси, инсоф борми, ўзи сизда? Кўзингизга кўзойнак тақиб олиб ялпайиб ўтиришингизни қаранг. Ахир сиздан катталар ҳам жой бераяпти-ку, сиз миқ этмайсиз-а? Беандиша...

Кампир ўрнидан туриб кетди.

— Жон синглим, бўлди, бас қилинг, мана сизга жой керак бўлса. Менинг ўрнимга ўтира қолинг, барака топгур.

— Тарбияни қаранг, — чимирилди жувон, — болани талтайтириб ёнини оласиза, тағин.

Йигитча ўрнидан турди. Қўлига қўлтиқтаёғини олди.

— Юринг ойи, тушамиз.

— Вой, ҳали бекатимизга келганимиз йўқ-ку, ўғлим, — зорланди кампир.

Йигитча парво қилмай, пийпаслаб эшик томон юрди. Бекатда одамлар ёрдамида машинадан тушди. Ҳамма қотиб қолди...

— Бечоранинг кўзи ожиз экан, — деди йўловчилардан бири.

Жувон лабини тишлади.

— Санамай саккиз дема, деб шуни айтадиларда.

Нуроний чолнинг бу сўзи жувонга таъсир этди шекилли, кейинги бекатда у машинадан тушиб кетди.

Ўйлаймизки, ҳар иккала воқеа шарҳи устида тўхталиб ўтиришга ҳожат йўқ. Улардан хулоса чиқариш ҳар кимнинг виждонига ҳавола!

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

---

***Мустақил республикамиз мана салкам саккиз йилдирки, жамиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан, илм-фан, ўқув-тарбия ишларида ҳам шиддат билан ривожланишда. Давлат ва жамиятимизни юксак даражага кўтаришдек масъулиятли вазифани сидқидилдан фидокорона бажариш ҳозирги катта-ю кичик авлоднинг муқаддас бурчидир.***

**Муносабат**

# ФИДОЙИ ЁШЛАР КАМОЛ ТОПАВЕРСИН

Шу маънода, Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг асарлари, маърузалари, суҳбатлари барчамизга истиқлолимиз сабоқларини, истиқболимиз ўйларини теран англашимизда, тафаккуримизнинг чархланишида энг мазмунли, энг ҳаётбахш дастуруламал бўлаяпти. Президентимизнинг «Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ғайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкин», — деган пурҳикмат сўзлари ушбу фикримизга ёрқин далилдир.

Йўлбошчимизнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари ҳам дилимиздаги гаплар бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бу жавоблар Йўлбошчимизнинг ўтган йилги «Жамият мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» каби асарларида келтирилган ғояларнинг мантиқий давоми бўлиб, уларда илгари сурилган фикр ва мулоҳазалар ижодий ривожлантирилиб, мантиқий якун ясалиши билан ўзгача аҳамият касб этади.

Жумладан, Йўлбошчимиз 7-8 йиллик тажрибалар асосида тугал хулосалар чиқаришга ҳали эрта эканлигини, лекин бугунги ўзимиз бевосита иштирокчилари бўлган ижтимоий жараёнлар таҳлилидан келиб чиқадиган баъзи бир сабоқларни зикр этиш фойдадан ҳоли эмаслигини таъкидлаб, яқин ўтмишимизнинг дастлабки сабоқларига тўхталиб ўтадилар.

Маънавият, маърифат, мафкура ва миллий ғоя масалаларига яна бир бор тўхталиб ўтар эканлар, Юртбошимиз ўз вақтида барчанинг диққат-эътиборини бизга хавф солиши мумкин бўлган айрим мафкуравий таҳдидларга қаратадилар, шунингдек мафкуранинг, миллий ғоянинг энг муҳим жиҳатларига ва бу соҳанинг энг улуғвор вазифаларига атрофлича тўхталиб ўтадилар.

Айни пайтда, факультетимиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари Президентимиз асарларини атрофлича ўрганишга, уларда илгари сурилган ғоя ва фикр-мулоҳаза ҳамда йўл-йўриқларни тўлиқ ўзлаштиришга катта эътибор бермоқдалар. Йўлбошчимизнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларини чуқур ўрганиш юзасидан барча гуруҳларда қўшимча дарслар ташкил этилди. Бу ишга факультет ва институтнинг етакчи жамиятшунос, файласуф ва тарихчи профессор-ўқитувчилари жалб қилинди.

Ўтказилаётган бу дарсларда профессор-ўқитувчиларимиз ёшлар маънавиятини, диний тарбиясини тўғри йўналтириш, ижтимоий ҳаётда диннинг тарбиявий, маданий, ахлоқий кучидан оқилона фойдаланиш, ўтмиш тарихимизнинг одилона ва ҳаққоний талқин этилишига, кўҳна қадриятларимизни эъзозлашга, ҳурмат бажо келтиришга, миллий тафаккуримиз, урф-одатларимиз ва турмуш тарзимизнинг тўғри йўлга солинишида мустақил республика ёшларининг ўрни, вазифаси ва бурчлари хусусида кенг мушоҳада, мунозара олиб бораяптилар.

Зеро, биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқда эканмиз, давлатимиз раҳбарининг 16 февралда Тошкентда юз берган фожиали ҳодисалар муносабати билан ёшларимиз тўғрисида билдирган сўзлари ҳам келажагимиз тараққиётининг пойдевори бўлмиш баркамол, фидойи ёшларнинг юртимизда камол топиши тўғрисида кўрсатилаётган оталарча ғамхўрликдир!

*Шавкат НУРУЛЛАЕВ,*
*Тошкент кимё-технология институтининг декани.*

---



*— Ишимизни сидқидилдан адо этсак, мижозлар ҳам хурсанд, ўзимизнинг ҳам кайфиятимиз кўтарилади, — дейди пойтахтимиздаги кийимларни кимёвий усулда тозалаш бўйича 5-бўлим бошлиғи Аброр Эгамбердиев.*

*Чиндан ҳам ушбу жамоада ўз ишини сидқидилдан бажараётган хушмуомала ва чаққон ходимлар меҳнат қилишади. Шу боис ҳам мижозлар сафи кун сайин ортиб бормоқда. Бу эса иш унумига самарали таъсир этмоқда.*

*СУРАТЛАРДА: моҳир уста Ғулом Йўлдошев 25 йилдан буён ўз касбини эъзозлаб келади; аппаратчи Мирзоҳид Азимов ҳамиша сидқидилдан меҳнат қилади.*

*Усмон Усмонов олган сурат.*



*Бир асар тарихи*

# СУЛТОН АЛИ МИРЗО ҚИЁФАСИ

***— Темурийлар тарихи давлат музейи сўровига кўра туркум асарни яна давом эттиришга тўғри келди. Билмадим, «Соҳибқиронно-ма»га ҳали-бери нуқта қўймасам керак. Султон Али Мирзо ҳақида яхши билмасдик. Музей ходими, тарихчи Турғун Файзиев бош маслаҳатчи сифатида билмаганларимни тушунтириб турибди.***

***Султон Али Мирзо номи икки жилдлик «Ўзбекистон халқлари тарихи» китобларидаям қайд этилмаган. Унинг кимлигини кейинроқ тузук тушунгандай бўлдим. Шунинг учун бу сиймони яратиш мен учун бирмунча қийин кечаяпти, — деди тарихий мавзуларда ижод қилаётган мусаввир, академик Малик Набиев...***



Икки жилдлик тарих китобида қуйидаги маълумотларни ўқиймиз: «XV аср иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда парчаланиш рўй бермоқда эди. (1-жилд, 76-бет), «Ҳусайн Бойқаро Хуросонда 1469 йилдан 1506 йилгача ҳукмдорлик қилди. Султон Аҳмад эса Мовароуннаҳрни 1469 йилдан то 1494 йилга қадар идора қилди. (168-бет).

Давомини II жилддан ахтарамиз. Тушуниб бўлмас, чалкаш фикрларга дуч келамиз. Бироз аниқроқ фикрдан мисол келтирсак «1498 йилда Султон Аҳмад Мирзонинг вафотидан сўнг, Шайбонийхон Самарқандга йўл олди. Самарқандликлар ўз шаҳрини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Шайбонийхон уни айланиб Қаршига кириб борди, у ердан Шаҳрисабзгача ўтди. Бу шаҳарни талон-тарож қилиб, катта ўлжа билан ўз қароргоҳига қайтиб келди», дейилишида бироз ҳақиқат борга ўхшайди. Шу йиллардаги маълумотда «Муҳаммад Шайбоний ўз она юрти Даштга йўл олди. Сайрам, Яссини эгаллайди. Шайбоний жуда катта ҳудудга — Туркистонга эгалик қила бошлади», деб айтилишида фикр янада ойдинлашади.

Мусаввир Малик Набиевнинг бизга қиёмига етказган асарлари ҳақида тушунтиришларича Султон Али Мирзо 16 ёшида Самарқандда тахтга ўтирган. Икки йилдан сўнг Шайбоний томонидан қатл этилган. Унинг ўлими ҳақида шундай ҳикоя қиладилар:

— Мовароуннаҳрни босиб олаётган Шайбонийнинг мақсади Темурийларни батамом қириб ташлаб, ўз ҳукмини ўтказиш ва шунга эришаётган эди. Самарқанд ҳукмдори Султон Али Мирзонинг онаси ниҳоятда гўзал экан. Шайбонийхон унга сохта муҳаббат изҳор қилиб хат ёзади. Хат Султон Али Мирзо қўлига тегади. Хатда ўғли билан бирга келиши, азиз меҳмони бўлиши айтилганди. Бу босқинчи хоннинг ҳийласи эканлигини Султон Али Мирзо тушуниб, ғазабланади. Ниҳоят, бир ўзи бормоқчи бўлганида она уни ишонмай бирга боришга, муносабат яхшилик билан тугашига ишонтиради. Оқибат ўғил ўйлагандек бўлиб чиқади. Нафақат Султон Али Мирзо, балки она ҳам Шайбонийхон амри билан турли хил азобларда ўлдирилади. Шундан сўнг, Шайбонийхон Темурийларнинг сўнгги Самарқанд ҳокимини йўқ қилганидан севиниб, Мовароуннаҳр ҳокими бўлибди...

Малик Набиев Темурийлар сулоласидан бўлмиш Султон Али Мирзо 18 ёшида фожиали ҳалок бўлганини айтиб, мой-бўёқларда яратаётган асарларини кўрсатарканлар изланиш ва қиёмига етиб қолган уч тасвирдан сўнггисини кўриб, кўнглимиз тўлгандай бўлди. Шуниси музейга қабул қилиш учун олинибди. Танлов учун танланибди.

— Султон Али Мирзо бироз жаҳлдор, бир сўзли, гаплари кескир, чўрткесар бўлган. Доим покизалик ва ҳақиқатни ёқтирган. Шунинг учун кўзлари ҳақиқат йўлида чақнаб, лабларини чимирилган ҳолда тасвирлаганман. Султон Али Мирзо ўта саводли эди. Шоиртабиат бўлиб, шеърлар ҳам ёзаркан. Умуман, темурийлар сулоласи саводхонликда ибрат экан, — дедилар Малик ака.

Тасвирларга назар ташларканмиз, катта-кичик уч тасвирда Султон Али Мирзо қиёфаси аниқ чиққанини сезамиз. Тўғри, ҳозирча камчиликлардан ҳоли эмас. Айрим маслаҳатли гаплар ҳам бўлиши мумкин. Ва лекин, тарихий шахс, ёш Темурий сиймоси жонланибди. Изланишларда унинг илмга қизиқиши, ташналиги, ватан, халқ руҳиятида яшаши, ҳақиқатга интилиши, ростгўйлиги бирмунча ўз аксини топибди. Охирги вариант — йирик тасвирда Султон Али Мирзода важоҳат кучли чиқибди. Бунинг сабабчиси хоннинг ёзган хати эди. Орқа тарафда бобоси Темур тахти. У тик турганча имкон қидирмоқда. Ғазабдан вазияти ўзгарган. Хатни эндигина ўқиб бўлган кўринади. Хат қўлида экан, эзиб, йўқ қилиб ташлагундек... Наилож, уни қандайдир илоҳий куч, инсоф, диёнат, ақл аранг ушлаб турибди-ю, Самарқанддан Шайбоний ҳузурига албатта боришга қарор қилган. Буни бажариши шарт. Шошилар экан, ҳа, она эмасми, унинг гапларига кирмаса бўлмайди, — дея ўйлайди. Ахир «Жаннат оналар оёғи остида», «Она рози — Худо рози» дейилган эмасми?!

Аслида, мамлакат султонини ушлаб турган нарса ҳам шу — она розилиги эди. «Ўзинг борма болам, қаерга борсанг бирга бораман!» деб, баралла айтилаётган она сўзлари Султон Али Мирзо қалбини ўртарди. Тасвирда драматик изтироб, кечинмалар мавжуд. Султон Али Мирзода ақлнинг баркамоллиги, ёш бўлса-да тийраклик, зукколик, хонларга хос дарғазаблик гоҳ-гоҳ устун келса-да ўйлаб иш қилиш томонлари сезилиб турибди. Бу эса ўзига хос салобатни кашф этади.

— Юз кўринишларини, ёшликка хослигини, қошлари қалинроқ ва қоралигини, ўзига ярашиқлигини тасвирлашда прототип (ўхшашлик) қидириб ўтирмадим. Невараларим, ўғилларимни кузатиб, тасаввуримда фойдаланишга тўғри келди, деб изоҳ бериб ўтдилар Малик Набиев.

Умуман, портрет фақат менга эмас, балки томоша қилаётган бошқаларга ҳам ёқаяпти. Саксон тўрт ёшга чиқаётган атоқли мусаввирнинг қилган улкан иши бу. Қиёмига етиб қолган тарихий асарда сулоладан сулолага ўтиб келаётган Темур тахти эъзозланган. Бу тахтни мусаввир бир неча бор кўрган. Деразадан қадимий Самарқанд шаҳри меъморчилиги кўриниб турибди. Султон Али Мирзо кийимларига эътибор берсак, шоҳона либосларда. Бошда салла, олтин жиға тақилган. У ихчам кийинган. Бу ёшга ярашиқ бўлиб, шоҳ, алломаларга хос юпқа ва қалин кийимлардан иборат, одатга кўра уч қават. Яшил, пушти ранг, зарҳал, яхши ниятларда оқ бўёқлардан ҳам фойдаланилган (шу оқ рангни мусаввирнинг деярли ҳамма асарларида кўриш мумкин). Айрим совуқ ранглар ҳам ишлатилган бўлиб, булар орқага чекинмоқда, илиқ ранглар ғолиб чиқиб, келажакнинг ёрқинлигидан дарак бермоқда.

*Маҳмуд РАМАЗОН,*
*Ўзбекистон Бадиий академияси санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.*

*СУРАТДА: Малик Набиев томонидан ишланган Султон Али Мирзо портрети.*

***Одамларнинг маънавий, маърифий, ахлоқий қадриятларини камолга етказишда халқ ижоди жуда муҳим ўрин тутади. Халқ ижоди қайнар булоққа ўхшайди. Узоқ ўтмишдан ота-боболаримизнинг ахлоқ, одоб, ҳаёт лаззати, аччиқ, айни вақтда яхши кунлари ҳақидаги қўшиқлар суяк суриб бизгача етиб келган. Халқ ҳаётининг кўзгуси бўлиб ҳисобланган ёр-ёрлар, ўланлар, лапарлар, аллалар инсонга ижобий таъсир кўрсатиб, уни фидокорона ишларга илҳомлантириб келган.***

*Қадриятларимиз*

# ТИЛИНГДАН ТУШМАСИН АЛЛА

Халқ қўшиқлари орасида аллалар ажралиб туради. Чунки алла она меҳрига йўғрилган майин юрак садоси.

**Зулфия МЎМИНОВА, шоира:**

— Аллани она билан бола ўртасидаги сеҳрли кўприк дейишади. Момо Ҳаво ҳам фарзандига алла айтган экан. Аллани айтиш шундай русм бўлган дейишади.

Аёлни соҳир табиатнинг ўзи куйчи қилиб яратган. Ҳар бир она фарзандини дунёга келтирар экан, ўзи ҳам қайта туғилади. Юрагининг бир парчаси жажжигина чақалоқни унга илк бор кўрсатишганда эса гўдагини дунёга келтиргунча тортган азоблари бир зумда ёдидан чиқади. Уни қўлга олганда эса кўзларидаги меҳр учқунлари чақалоқни йўргаклаб олади. Она бағрининг қуёшдек ҳарорати-ю алласидан баҳраманд бўлган гўдак ширингина уйқуга кетади.

*Кўкнинг олтин ҳилоли*
*Менинг бағримга тушди, алла.*
*Умрим бўлди жилоли,*
*Борлиғимни нур қучди, алла.*
*Ўраб олдим ҳилолим,*
*Бахт берган оқ йўргакка, алла.*
*Соқчидир кун-тунларим,*
*Оромини унутиб, алла.*
*Ҳилолгинам кундан кун,*
*Тўлишиб ой бўлғуси, алла.*
*Не ажабки эл учун*
*Фонус тутса келгуси, алла...*

Алла оҳанглари таралмоқда. Онанинг ҳорғин чеҳрасига соя солган чарчоқ ҳам, сочларининг паришонлиги ҳам — барчаси унинг сиймосига улуғворлик бағишлагандек.

Аёлни хонадон чароғбони дейдилар. Аёлнинг бор латофати у алла ижро этаётганда намоён бўлади.

Агар эътибор берган бўлсангиз кичкинагина қизалоқ ҳам қўғирчоғига алланималарни ҳиргойи қилиб айтиб, уни ухлатмоқчи бўлади. Бу ҳолатда қандай сиру синоат борлигини билмадигу, бироқ барча оналарнинг алла айтишлари дунё болаларининг меҳршафқатли бўлиб ўсишларида аҳамияти буюк эканлиги ҳақида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Эркулова шундай ҳикоя қилдилар:

— Санъаткор кўзи билан қараганимизда алла тинглаб улғайган бола билан алла тингламаган бола ўртасида жуда катта тафовут бор. Оналаримиз болаларимиз — набираларини ҳам алла айтиб ухлатишади. Ўзимиз ҳам аллани эшитиб ўтириб кўзимиз кетиб қолади. Бу алланинг сеҳри, қудратидан, деб ўйлайман.

Алланинг сўзлари Ватанга садоқатли, ота-онага меҳр-муҳаббатли бўлишга ундайди. Ҳозирги оналаримиз ҳам фарзандларини алла айтиб ухлатсалар, ҳамиша оналарнинг тилидан алла тушмаса дейман.

*Гўзал ХОЛИҚОВА.*

*Танловлар*

# ТЎЙ ЛИБОСЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛГАНИ МАЪҚУЛ?

***Аёллар йилига бағишлаб «Модалар маркази»да бўлиб ўтган «Тўй либослари» кўрик-танловида қатнашар эканмиз, хаёлимиздан беихтиёр шундай фикрлар ўтди: дарҳақиқат, кейинги пайтларда ҳаётимизга миллийликдан анчагина узоқ айрим анъаналар кириб келиб, ўзбек келинлари ҳам ижара масканларидан атиги бир кунгагина жуда «осмонга сапчиган» нархларда оқ тўй либосларини олиб кийишаётгани кўпчиликни ўйлантираётгани сир эмас. Ахир ҳар кимлар кийган либосни кияверишгигиенага ҳам, урф-одатларимизга ҳам тўғри келмайдиган ҳол-ку!***

«Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан пухта тайёргарлик асосида ташкил этилган «Тўй либослари» кўрик-танлови ҳам ана шундай нохуш одатларга барҳам бериш, қадимий ва ҳамиша чиройли миллий тўй либосларимизнинг энг гўзал кўринишларини намойиш қилиш, бу йўлдаги уста модельерларимизнинг саъй-ҳаракатлари, изланишларига муносиб баҳо бериш, қолаверса, миллий кийимларимизни қайтадан тиклаш мақсадида ўтказилди. Мутахассисларнинг эътирофларига кўра ташкилотчилар ўзлари кўзлаган мақсадга тўла эришишди.

Шу куни мутахассислар, мухлислар, муаллимлар билан лиқ тўлган залга йиғилганлар шаҳримиз барча туманларидан ташриф буюрган қўли гул чеварларнинг бетакрор, бетимсол санъатларига таҳсинлар айтишди. Кўриклар орасида тез-тез қарсаклар янграб туриши ҳам фикримиздан далолатдир.





Айниқса миллий одатимизга кўра ёқаси бекик, енги узун бўлган либосда чиққан Шайхонтоҳур тумани «келини», сочини қирқ кокил қилиб майда ўриб, бошига оқ ҳарир рўмол ёпинган сирғалилик «келин»ларнинг зар чопонлардаги куёвлар билан чиқишлари йиғилганлар олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, «келин салом» маросими учун тайёрланган алоҳида либослар ҳам намойиш этилди. Ҳар бир чиқишдан сўнг чеварларнинг кийимни қандай материаллардан ва қандай бичимда тайёрлагани, либосларнинг қиймати қандай миқдорни ташкил этганлиги тўғрисидаги изоҳлари жуда ўринли бўлди.

Кўпчиликни қувонтирган нарса, бу — пушти, оқ ранг шойилардан, атласдан чиройли, бежирим ва нафис тикилган келин либосларининг унчалик қиммат эмаслиги эди. Туманлар чеварларидан ташқари, тадбирда «Камолот» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими қошидаги «Донобегим» фирмаси, «Машҳура» хусусий фирмасининг никоҳ кийимлари ҳам намойиш қилинди. «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамиятининг чеварлари эса етти тур ва рангдаги либосларни кўрсатишди.

— Тошкент шаҳри келинларининг либоси республикамиз бошқа вилоятларидагидан анчагина фарқ қилади, — деди биз билан фикрларини ўртоқлашар экан элшунос олим. Тошкент фармацевтика институти «Маънавият бўстони» мажмуининг раҳбари Билол Аминов. — Либосларнинг бичими шарқона, иболи, халқчил, ранг-баранг бўлса мақсадга мувофиқдир. Энг муҳими, келин (никоҳ) кийими — саҳна кийими бўлиб қолмасин. Зеро, шунча пул сарфлаб тикилгандан кейин ундан меҳмон-изломга кийган ҳолда фойдаланиш керак. Ҳар ҳолда бичими Европаникига ўхшамагани маъқул.

Шу куни бамисоли Кумушбибию Отабеклар, Алпомишу Барчинойлар кўрикдан ўтганлиги сабабли саҳнадаги уларнинг нозик ҳаракатлари, бетакрор либосларини баҳолаш, ўйлаймизки ҳакамлар ҳайъати учун ҳам осон кечмади.

Шайхонтоҳур туманилик чевар Муқаддас Умарованинг келинларнинг никоҳ либослари биринчи ўринга лойиқ деб топилди ва у «Тўй либослари» кўрик-танловининг ғолиби бўлди. Мирзо Улуғбек тумани вакили Дилдорахон Ҳамроқулова ва сирғалилик модельер Сайёра Пўлатоваларга иккинчи ўрин насиб этди. Акмал Икромов, Юнусобод тумани «келинлари» ва «Донобегим» фирмасининг никоҳ либосларига учинчи ўрин берилди.

Барча ғолиб ва совриндорларга «Маҳалла», «Камолот», «Наврўз», «Соғлом авлод учун» жамғармалари пойтахт бўлимлари томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрлиқлар топширилди.

Жозибали либослар намойиши орасида Ойхон Ёқубова раҳбарлигидаги «Гавҳар» фольклор дастаси, «Олтин мерос» дастаси, «Мухлис» гуруҳи хонандаларининг чиқишлари, қувноқ интермедиялар тадбирга ўзгача файз, тароват бахш этди.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

*СУРАТЛАРДА: «Тўй либослари» танловидан лавҳалар.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

*Шифокор огоҳлантиради*

# ГРИППДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

***Грипп — вируслар томонидан қўзғатилиб, танани умумий заҳарлаши ва юқори нафас йўлларининг жароҳатланиши билан кечадиган, ўзидан сўнг кўпгина асоратлар қолдирадиган ўткир юқумли касалликдир. У тананинг қаршилик кўрсатиш кучини жуда ҳам сусайтириб юборади. Грипп вируслари одамнинг нафас йўллари ҳужайраларида яшаб уларда тез кўпаяди. Натижада вируслар қонга тушади ва касаллик аломатлари пайдо бўлади.***

Грипп касаллигини тарқатувчи манбаи бемор киши ва вирус ташувчи ҳисобланади. Вируслар бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда сўлак ва шиллиқнинг майда заррачалари билан ҳавога жуда кўп ажралади. Касаллик дастлабки кунларда жуда юқумли ҳисобланади. Буни оёқда ўтказадиган кишилар жуда хавфли бўладилар. Касаллик тўсатдан бошланади. Дастлаб беморнинг эти увишади, кўп ўтмай иситмаси чиқади,бошида оғриқ туради, мускуллари оғрийди, лоҳас бўлади. Баъзан у тумовсиз, йўталсиз ва юқори ҳароратсиз ўтиши мумкин, бироқ бунда беморнинг умумий аҳволи оғир бўлади.

Грипп асорати билан хавфли касаллик асорат бермаса 4-5 кунга бориб, ҳарорат тушиб, бемор тузала бошлайди. Асорат берганда эса ҳарорат яна кўтарилади беморнинг аҳволи оғирлашади. Кўпинча зотилжам грипп асоратидир. Бундан ташқари, менингит, ўрта қулоқ яллиғланиши, гайморит, неврит, полиневрит, юрак-қон томир касалликлари ва бошқалар ҳисобланади.

Грипп билан касал бўлиб чиққан беморнинг иммунитети етарли даражада мустаҳкам бўлмаганлиги сабабли шу касаллик билан бир неча маротаба касал бўлиш эҳтимоли бор. Уй шароитида дармондори ва доривор ўсимликлар қайнатмаларини истеъмол қилиб туриш ҳам касаллик пайдо бўлишининг олдини олади. Асал, лимонли чой, жисмоний ва руҳий зўриқишларни чеклаш, иш ва дам олишни режалаштириш, шахсий гигиенага риоя қилиш тананинг иммун тизимини заифланишининг олдини олишга ёрдам беради.

Грипп касаллиги авж олган пайтларда исириқ тутуни билан хоналарни дезинфекция қилиш яхши натижа беради. Бир қаламча исириқ 20 метр квадрат жойдаги микробларни йўқ қилади. Грипнинг олдини олишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган тадбирлар: иш жойларининг иссиқ бўлиши, вақтида хоналарнинг шамоллатиб турилиши, касалланиб қолган беморни дарҳол бошқалардан ажратиш, одам тўпланган жойларда (ётоқхона, болалар муассасаси, жамоат муассасалари) дезинфекция ишларини тўлиқ ва ҳар доим бажариш зарур.

*Марям СОДИҚОВА,*
*Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.*

*Зеболик*

# КОКИЛЛАРИ ТИЛЛОДАН

***Йўл ёқасидан қизалоқларнинг чуғур-чуғурлари хаёлимни бўлди. Беихтиёр улар томон қарадим. Қизлар тол баргидан сочпопук қилиб бир-бирларининг сочларини ўриб ўтирар эдилар.***

Ҳавас билан тикилиб туриб, ўзимнинг ҳам ёшлик дамларим эсимга тушиб кетди. Раҳматли бувижоним бошимни қатиқ билан ювиб, сочларимни қирқта кокил қилиб, тол баргидан чамбарак кийгизиб, чуқур дуо қилар эдилар.

«Қизгинам, сочларинг шундай чиройли ва узун бўлсин, умринг ҳам узундан узун бўлсин». Бувижоним эркалаб-эркалаб сочларимни силаб, уриб-уриб қўяр эдилар.

Соч ҳам қиз боланинг ҳуснига ҳусн қўшади. Фақат уни парвариш қилиш керак. Бувижонимдан эшитганларимга ўзим ҳам, сингилларим ҳам амал қилдик. Ҳамма ёппасига соч қирқа бошлади. Бизни модадан қолганлар деб ҳам қолишди. Лекин опа-сингиллар тим қора сочлари қиз-аёл кўрки эканини ёшликдан уқиб олганликлари учун унга содиқ қоладилар. Аммо...

Аммо Европа таъсири, маданияти бизнинг сунбул сочли қизларимизга, қадди комати иболи либосда бўлган ёшларимизга таъсирини ўтказди. Қирқ кокилли қизларимиз, жувонларимиз сочига қайчи тушди.

Биз орзу қилган, шоирлар шеър битган, ҳофизлар куй басталаган, йигитлар тушларида кўрган қирқ кокилларнинг, гўзалликнинг кўз ўнгимизда йўқ бўлиши кўнгилларни қоронғу қилди.

Соҳибқирон Амир Темур ўғилларини уйлантириш пайтида жарчиларга шундай буюрар эканлар: «Менга келин бўладиган қизларнинг сочи узун, қирқ кокилли бўлмоғи лозим. Юрганида орқаси тўла соч бўлсин, ҳар бир соч сумбулига келин бўлганида олтин тангалар тақиб қўйилсин».

Қаранг-а, қадим-қадимдан қизларнинг гўзаллиги уларнинг сочларида, одоб-ахлоқда деб ўргатиб келинган. Сочлари узун қизларимиз,соч кесишни хаёлларидан чиқарсинлар. Ўзбекона-шарқона одоб-ахлоқ рисолаларида, ҳадис илмида, айниқса шоирларнинг шеърларида узун қора сочлар, олтин сочлар мадҳ қилинган.

Сочни узун қилиш энг аввало уни парваришлаш йўлини ўрганиш лозим. Келинг, мен сиз дугоналаримга ҳаёт тажрибаларимдан соч парваришлашни айтиб берай.



Агарда дам олиш кунлари сочингизни ювиб, қуритиб, сўнгра майда ёки иккита қилиб, қаттиқ ўраб юрсангиз, вақтингиз тежалади. Сочларнинг бекорга тўкилиб кетишининг олдини оласиз. Бунинг учун ҳафтада бир марта қатиқ суриб, 10-15 дақиқа юринг, сўнгра иссиқроқ сувда болалар совуни билан ювиб ташланг. Сочингизни албатта сочиқ билан артиб қуритинг. Сартарошхоналарда ҳар хил рангларда соч бўяшдан ўзингизни тийинг. Чунки сочлар сунъий ранглардан тез тўкилиб кетади. Сочни қуёшдан, совуқ шамолдан асранг. Қиш кунлари зинҳор бош кийимсиз юрманг. Мактабда таълим оладиган қизларимиз айниқса, водий томонларда бошларига чаманда гул дўппи кийиб сочларини қирқ кокил қилиб ўриб юрадилар. Шарқ гўзалларининг расмини мўйқалам билан чизганда, уларнинг чилвирдек сочларини биринчи ўринга қўядилар.

Алишер Навоий, Умар Хайём, Фурқат, Муқимий каби миллатимиз фахри бўлган шоирлар аёллар ҳуснини, сочининг гўзаллигини ўз шеърларида куйлаб келганлар.

Маҳалламизда сочлари узун бир қизнинг бўйи етиб, оиласидагилар тўй тараддудига тушиб қолдилар. Унинг сочларини аяжониси ёшлигидан парваришлаб, майда ўриб қўяр, бу сочлар унинг ҳуснига-ҳусн қўшар эди. Маҳалладагилар уни отини айтиб эмас, балки «Сочи узун қиз», деб чақирар эдилар. Унинг одоби-аҳлоқи ҳам бошқаларга ибратли эди. Куёв бўлмиш ҳам хурсанд, сочлари узун қирқ кокилли қизга уйланяпман деб.

Тўй куни эса...

Чилвир сочлар дугоналар маслаҳати билан кесилиб, замонавий тус олди. Она хафа, ота қизини койиб соч кесганини кечира олмаслигини айтди.

Никоҳ куни эса куёв қизнинг замонавий турмакланган сочини кўрибди-ю, «Тўй бўлмайди. Мен сочлари узун, қирқ кокилли қизга уйланаман деган эдим. Гўзалликнинг қадрига етмаган, ўз ақли билан иш қилмаган киши мени бахтли қила олмайди», деб тўйни тўхтатган эди.

Маҳалла-кўй сочи узун қизнинг ўз бахтини қўлдан берганига, қаттиқ хато қилиб, ўзбошимчалик билан сочини кесганига ачиниб, анча вақтгача гапириб юришди...

Соч — бу қиз боланинг бахти. Уни парваришлаб, кокилларни қирқтага етказиб юрганига нима етсин!

*Азизахон ЗАЙНИТДИНОВА,*
*профессор.*

